

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
АХБОРОТ

النشرة
العلمية التحليلية

SCIENTIFIC-ANALYTIC
BULLETIN



4/2015

ёки иккита қилиб қўйди. Энди нуқталар ҳарф билан бир хил сиёҳда ёзиладиган бўлди, чунки улар ҳарфнинг бир бўлаги саналарди.

Илк Мусҳафнинг ёзилиш жараёни мураккаб бўлиб, унда саҳобаларнинг хизмати катта бўлди. Мазкур Мусҳафнинг жамланиш тарихини билиш ислом дини бирламчи манбаси ҳақида ҳолис билимга эга бўлиш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ғулом Мирзо, Очилов Н., ЎзА муҳбирлари. Маънавият ва маданиятга эътиборнинг амалдаги ифодаси // Хақ сўзи. – Тошкент, 2007. 26 апрель. – № 81.
2. Тошкент – ислом маданияти пойтахти / Масъуд муҳаррир З.Исломов. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – 186 б.
3. Шайх Исмоил Маҳдум. Тошкентдаги Усмон Мусҳафининг тарихи / Арабчадан Абдуллоҳ шайх Исмоил Маҳдум ўғли таржимаси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1995. – 80 б.
4. Шайх Исмоил Маҳдум Сотти Охунд ўғли Намонгоний. Тошкентдаги Усмон Мусҳафининг тарихи. Арабча. Тошкент. 1971.
5. Раҳматуллоҳ қори Обидов. Қуръон ва Тафсири илмлари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2003. – 448 б.

Дурбек РАҲИМЖОНОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент.



УБАЙДУЛЛОҲ ИБН МАСЪУД ИБН ТОЖ АШ-ШАРИА ВА УНИНГ “МУХТАСАРУЛ ВИҚОЯ” АСАРИ

УБАЙДУЛЛАХ ИБН МАСУД ИБН ТОЖ АШ- ШАРИА И ЕГО ПРОИЗВЕДЕНИЯ “МУХТАСАР АЛ-ВИКАЯ”

UBAYDULLAH IBN MASUD IBN TAJ ASH- SHARIA AND HIS WORK “MUKHTASAR AL-VIKAYA”

Таянч иборалар: Мовароуннаҳр, XIII–XIV асрлар, Бухоро, Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш-Шариа, “Мухтасарул Виқоя”, фикҳ, қўлёзма тошбосма, шарҳлар, ҳошиялар.

Ключевые слова: Мавереннахр, XIII–XIV вв. Бухара, Убайдуллах ибни Масуд ибни Таж аш-Шариа, “Мухтасарал-Викая”, фикх, рукопись, литография, комментарии, субкомментарии.

Key words: Mevaraunnahr (Transoxiana), 13th–14th centuries, Bukhara, Ubaydullah ibn Masud ibn Taj ash-Sharia, “Mukhtasar al-Vikaya”, fiqh, manuscript, lithography, commentary.

XII–XIII асрларда Мовароуннаҳрда мўғул босқини таъсирида илм-фан, маданият ҳамда ишлаб чиқариш инқирози қарийб юз эллик йил давом этди. Айниқса, ижод аҳли асосан қадимда яратилган шоҳ асарларни таржима қилиш, уларга изоҳ, шарҳ, ҳошиялар битиш ва матнларни назмга солиш билан чекланиб қолгани кузатилади. Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Убайдуллоҳ Тож аш-Шариа ал-Маҳбубий ал-Бухорий (ваф.747/1349) ана шундай шориҳлар сирасига киради. Бизгача етиб келган манбаларда Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг ҳаёти ва илмий меросига бағишланган маълумотлар унчалик кўп учрамайди. Шунга қарамасдан, бу олим ҳақида айрим био-библиографик манбаларда мухтасар ва бир-бирини доим такрорлаб келган маълумотлар мавжуд. Кейинги давр тадқиқотчиларининг тадқиқот ишларини кузатсак ҳам, Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг ҳаёти ва илмий мероси мамлакатимизда ва хорижий юртларда етарли даражада ўрганилмаганига гувоҳ бўламиз.

Ўрта аср фақиҳлари орасида “Садруш-шариа”лар оиласи ўзига хос мавқени эгаллаб

ислом оламида ҳанафийликни ёйиш борасида катта хизмат кўрсатган. Бу оила бошида ўз замонасининг етук фақиҳи Садруш-шариа Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Убайдуллоҳ ибн Иброҳим ибн Аҳмад ал-Маҳбубий ал-Бухорий (ваф. 630/1251) туради [1;10]. Манбаларда қайд этилишича, “Маҳбубий”лар авлоди машҳур саҳобий Уббода ибн Сомит ал-Ансорий (ваф.х.34) га, бошқасида эса, уларнинг насаби Имоми Аъзам Абу Ҳанифа ҳазратларига бориб тақалади [2;12]. Бу зот ўз даврида етук ҳанафий олимлардан бири сифатида танилган. Унинг қолдирган илмий мероси Бурҳониддин Али ибн Абу Бакр ал-Марғиноний (ваф. 593/1195) нинг “Ҳидоя” асарига битилган шарҳи бўлиб, фикҳ соҳасида ёзилган бирламчи манбалардан бири сифатида қимматли ҳисобланади. Бу авлодга ўз даврида “Тож аш-Шариа”лар (шариат тожи) оиласи кунyasi берилган. Кейинроқ Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Убайдуллоҳ Тож аш-Шариа ал-Маҳбубий ал-Бухорий (ваф.747/1349) ҳам “кичик тожуш шариа” лақабини олган [3;2]. Убайдуллоҳ ибн Масъуд Бухоро шаҳрида туғилиб, шу ерда вояга етган машҳур фақиҳлардан биридир. Унга қадар ҳам ва ундан кейин ҳам бу авлод вакиллари шариат илми соҳасида таниқли олимлар бўлиб етишди. Бобосининг “Виқоятур-Ривоя” асарини пухта ёд олган Убайдуллоҳ асарни мутолаа қилишда омма орасида баъзи қийинчиликлар юзага келаётганини инобатга олиб, ундаги энг зарур ва кўп учрайдиган масалаларга ўз томонидан мухтасар шарҳ ёзиб, уни “Мухтасарул Виқоя” деб номлайди. Бу асар ихчам ва мухтасар ҳолга келтирилгани билан фикҳий асарлар орасида катта шуҳрат қозонди. Асарлар тасниф этишда мана шу каби жиҳатларни бирламчи деб ҳисоблаган ўлкамиздан етишиб чиққан фақиҳларга эҳтиёж ва эҳтиром доимо кучли бўлиб, улар нафақат умуминсоний қадриятлар, балки маҳаллий урф-одатларни ҳам эътибордан четда қолдирмаганлар. Натижада юртимизда маҳаллий фикҳ мактаблари ўзига хос равишда тараққий этиб, ҳар вақт шариатнинг нозик ва дақиқ жиҳатлари ўткир баҳс-мунозаралар остида шаклланди. Айниқса, бу ҳолат фикҳий масалаларда яққол кўзга ташланади. Фикҳий матнлар таҳлили мавзуга оид асарларнинг деярли барчаси ўзига хос услубда ёзилиб, кўпчилигида матн қисқа, лўнда ва ёдлашга қулайлиги билан ажралиб туради. “Мухтасарул Виқоя” асари ҳам мана шундай асарлар қаторига киради.

Мазкур мақолада ўрта аср фақиҳлари орасида “Садруш-шариа”лар оиласига мансуб фақиҳ Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Мухтасар ул-Виқоя” асарининг яратилиш тарихи, унга ёзилган шарҳлар ва шу манба асосида юзага келган қўлёзма нусхалар ҳақида сўз боради.

В данной статье говорится об истории возникновения известного среди факихов средневековья произведения “Мухтасар ал-Викая”, принадлежащего Убайдуллаху ибн Масуду, представителя семьи “Садр аш-Шариа”, а также комментариев и рукописных копий, написанных на основе данного источника.

The article gives information about the history of the work of “Mukhtasar al-Vikaya” by Ubaydullah ibn Masud who was belonging to the family as well known “Sad ash-Sharia” in middle Ages and commentaries and manuscripts based on this source as well.

Тарихга назар ташласак, ҳанафий мазҳабининг фикҳий асосини ташкил этган қатор мўътабар асарлар юртимиз уламолари тарафидан битилганига гувоҳ бўламиз. Бу манбалар шариатнинг кўплаб масалаларини қамраб олган асарлар сифатида мусулмон дунёсида шуҳрат топган. “Мухтасарул Виқоя” асарининг ёзилиш ва тарқалиш тарихи бево-сита Имом Бурҳониддин Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдужалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний (1123–1197)нинг машҳур “Ҳидоя” номли асари билан боғлиқ. Маълумки, “Ҳидоя” ислом шариати аҳкомларини тўплаб, уларни тушунтириб беришга бағишланган. Асар Қуръон ва суннат ҳукмларига асосланган ҳолда диний ибодатлар ва амалларни адо этишни, мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, шахсий ҳаёти ва жамиятда амал қилишлари зарур бўлган тартибларни аниқ ва муфассал ифода-лаб беради. “Ҳидоя”ни ҳанафий мазҳабининг бошқа фикҳий манбаларига қиёсланса, шаръий масалаларни ҳар томонлама ва мукаммал қамраб олган тўплам эканини билиб олиш мумкин. “Ҳидоя” асари кўпроқ Мовароуннаҳрда машҳур бўлиб, қарийб саккиз асрдан буён мадрасаларда фикҳ илми бўйича асосий қўлланма сифатида ўқитиб келинмоқда. “Ҳидоя” асари ёзилгандан буён унинг матни юзасидан юзга яқин муаллифлар томонидан турли ҳажмдаги тар-жима, шарҳ, ҳошия ва таълиқалар битилган.

Ўз даврида “Ҳидоя”га Бухоронинг Кирмон шаҳрида яшаган Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Убайдуллоҳ томонидан “Виқоятур-Ривоя фи ма-соид ал-ҳидоя” номли шарҳ ёзилди. Кейинроқ бу анъанани унинг набираси Убайдуллоҳ ибн Масъуд давом эттириб, мазкур шарҳга ўзининг “Мухтасарул Виқоя” номли қисқа шарҳини битди. Асар “Шарҳи Мухтасар ал-Виқоя” деб аталса-да, илм

аҳли орасида “ан-Ниқоя”, халқ орасида қисқача “Мухтасар” номи билан шухрат қозонди. Айниқса, муаллиф яшаган давридан кейинги ҳанафий олимлар “Мухтасар” дейилганда фикҳ соҳасида Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг мана шу шарҳини тушунганлар. “Мухтасарул Виқоя” асари ислом ҳуқуқшунослигига оид мухтасар, аниқ ва лўнда баён услубига билан тезда мўътабар манбалардан бирига айланиб улгурди.

Асарнинг тузилиши ва таркибига эътибор қаратсак, унинг қарийб элликта китоб ва турли масалаларга бағишланган фасллардан иборатлигини кўрамиз. Ундаги ҳар бир китоб яна бир неча фаслларни ўз ичига қамраб олади. Дастлаб муаллиф томонидан мавзуга оид умумий масалалар баён этилиб, ундан кейин фаслларга тааллуқли масалалар атрофлича ёритиб берилади. Асар икки жуздан иборат бўлиб, биринчи жумда ислом динининг асосий руқнлари – таҳорат, намоз, рўза, закот, ҳаж, никоҳ, мерос ва бошқа масалалар баёни келтирилган. Иккинчи жумда жамият ҳаётида доимий учраб турадиган амалий масалалар қамраб олинган. Масалан, олди-сотди, ижара, ваколат, музораба, ширкат, вақф, жинойт ва муомалот кабилар шулар жумласига киради. Муаллиф баъзи ўринларда бирон масала устида батафсил тўхталиб, ўз сўзини эътиборли манбаларга суянган ҳолда изоҳлар билан тушунтиришга ҳаракат қилади.

Убайдуллоҳ ибн Масъуд яна фикҳ соҳасига оид “Танқийҳ” (Сўзни поклаш) асарини ёзиб, кейинчалик муаллифнинг ўзи унга “Тавзийҳ” (Ойдинлаштириш) номли шарҳини битади. Шунингдек, унинг “ал-Муқаддимотул арбаъа” (Тўрт муқаддима), “Таъдилул улум” (Илмларни тўғрилаш), “Шурут вал-маҳозир” (Ҳимоя қилинувчи шартлар) каби асарлари ҳам мавжуд бўлиб, улар ичида кўпроқ “Мухтасарул Виқоя” кўп тилларга таржима қилинган. Бундай таржималар орасида форс-тожик ва ўзбек тилига ўгирилганлари ҳам салмоқли ўрин тутати. Асарга эҳтиёж ошиб бориши матн котиблари томонидан уни мунтазам кўчиришни талаб этган. Асар қўлёзмалари орасида асосан арабча матн, сатр тагида форс ёки туркий тилдаги таржима, ҳошияда эса турли изоҳлар битилган нусхалар кенг тарқалган. Матннинг форсий ва туркий тилларга таржима қилиниши эса, ўтган асрларда минтақамизда уч тиллилик анъанаси шаклланишига далолат қилади. Масалан, оригинал асар араб тилида битилган

бўлса, эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда унинг форсий ёки туркий тилга ўгирилиши мана шу тилларда мутолаа қилувчиларнинг сони ортиб бориши натижасида пайдо бўлган. Бундай матн нусхалари талабга мос ҳолда хаттотлар томонидан буюртма асосида кўчириб берилган. Натижада форсий ёки туркийзабон киши ўз тилида матнни ўқиб-ўрганиши енгил ва осон кечган.

Мазкур асар Хоразмда икки марта таржима қилинган. Биринчиси, Домла Муҳаммад Салоҳ (XVII) нинг Хива хони Абулғози Баҳодирхон (1644–1663)га бағишлаб ёзилган форс тилидаги таржимаси бўлса, иккинчиси Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1864–1910) фармони билан Муҳаммад ибн Ҳусайн Биржандий ал-Ҳанафий қаламига мансубдир. Кейинчалик форс тилидаги бу шарҳ Домла Бекмуҳаммад Хоразмий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Ўзбек тилидаги таржималардан яна бири муаллиф Мақсудхўжа Тошқандий томонидан “Мажмаъул Мақсуд” номи билан 1912 йилда нашр қилинган. XIX асрга қадар Самарқанд ва унинг атрофидаги шаҳарларда мадрасаларнинг таълим дастурида “Аввали илм”, “Бидон”, “Муъиззий” “Занжоний”, “Авомил”, “Ҳаракот”, “Фикҳи Кайдоний” ва “Мухтасар ал-Виқоя”га асосланган ҳолда таълим бериш тартиби жорий этилган.

Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Мухтасарул Виқоя” асари котиблар томонидан XX аср бошларигача қайта-қайта кўчирилди. Ҳозирда унинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари дунёнинг кўплаб мамлакатларида учрайди. Юртимиздаги қўлёзма хазиналарида ҳам асар матни ва у асосда амалга оширилган ишлар бугунгача сақланиб қолган. Ҳозирда биргина Абу Райҳон Беруний номли Шарқ қўлёзмалари марказида асарнинг юзлаб матн, шарҳ, ҳошия, таълиқ ва таржима нусхалари мавжуд [4;6]. Улар республикамиз ва унга қўшни ўлкаларда кўчирилган қадимий нусхалардир. “Мухтасарул Виқоя”нинг тошбосма нусхалари эса кўпроқ Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида чоп этилган. Тошбосма нусхалар асосан 1865–1916-йиллар оралигига оид бўлиб, “Каменьский”, “Лахтин”, “Ильин”, “Ғулом Ҳасан Орифжонов”, “Туркистон ҳарбий округи”, “Петухов” босмахоналарида босилган. Шу боис нусхалар маҳаллий фондлар, шунингдек, аҳоли қўлида ҳам кенг тарқалган. “Мухтасарул Виқоя” тошбосма усулда хорижда Истамбул, Қозон

шахрининг “Императорский”, “Воронов”, “Ака-ука Каримовлар”, “Қозон университети нашриёти”, “Ильминский” матбааларида, шунингдек, асар қўлёзма ва тошбосма нусхалари ҳинд-мусулмон маданиятининг йирик марказлари – Бомбай, Канпур, Лакхнав, Лоҳур шаҳарларида ҳам кўплаб нусхаларда нашр этилган. “Мухтасарул Виқоя” асари қўлёзмаларининг кодикологик жиҳатларига эътибор қаратсак, унга кўра матн шарҳдан ажратиб ёзилган. Кўп ҳолларда матн устига бир-биридан ажралиб туриши учун қизил чизиқ тортилган. Баъзи нусхалар ҳошиясида қисқа изоҳлар берилган. Китобнинг номи ва фасллар мавзуси қизил рангдаги сиёҳ билан ёзилиб жадвалга олинган. “Мухтасарул Виқоя” матни ҳажман катталиги сабаб қўлёзма муқовалари асосан қалин картондан яса-либ, унинг атрофи гулли қавариқ саҳҳоф тамгалари билан безатилган. Муқова титилиб кетмаслиги учун унинг таяки ва дастаки қисмлари чармдан ишланган. Қўлёзма матнига кўра дастлабки саҳифалар “Таҳорат” китоби билан бошланиб, охири “Хунаса” боби билан тугайди.

Ўлкамизда тасниф этилган фикҳий асарларга ёзилган шарҳлар орасида айнан “Мухтасарул Виқоя” матнига ёзилган шарҳларга кўп дуч келиш мумкин. Шарҳлар Шайх Тақийуддин Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад аш-Шаманий (ваф.872), Шайх Зайнуддин Абу Муҳаммад Абдурахмон ибн Абу Бакр ибн Айний, Абдулвожид ибн Муҳаммад, Алавуддин Али ибн Муҳаммад Мусанниф, Қосим ибн Қутлуғбуға, Илёс ар-Румий, Шамсиддин Муҳаммад Кўхистоний, Абул Макорим ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад, Нуриддин Абдурраҳмон ибн Аҳмад Жомий, Мавлоно Нуриддин Али ибн Султон Қори Ҳиравий каби ва бошқа муаллифлар томонидан ёзилган. Ҳожи Халифанинг сўзига кўра, “Мухтасарул Виқоя” асарига ўндан ортиқ муаллифлар араб тилида шарҳлар битганлар [5;10]. XV асрда яшаб ўтган Муҳаммад ибн Илёс ар-Румий ўз даврида Ибн Масъуднинг қисқартмасига “Шарҳ ан-Ниқоя” номи йирик шарҳ ёзган. Ҳирот шаҳрида туғилиб, бошланғич таълимни ўз юртида олган Али ал-Қорий (ваф.1702) ҳам асар матнига шарҳ битган олимлар сирасига киради. Кейинчалик Макка шаҳрига бориб, ўша ерда умрининг охиригача яшаб қолган Али ал-Қорий Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг асарига икки жилддан иборат “Фатҳ боб ал-иноя” (“Ёрдам эшигининг очилиши”) деган шарҳини

араб тилида битади. Шундай шориҳлардан яна бири Убайдуллахон (1533–1539) даврида Бухорода яшаган Шамсиддин Муҳаммад ал-Кўхистоний (ваф.963/1556) бўлиб, “Мухтасарул Виқоя”га ёзган “Жомеъ ар-Румуз” (“Рамзлар жамланмаси”) номли шарҳи Мовароуннаҳрда кенг тарқалган [6;6]. “Мухтасарул Виқоя”га форс тилида ҳам бир қанча шарҳлар битилган [7;8]. Абдулжамил ибн Маҳмуд ибн Маҳмуд ва самарқандлик машҳур олим Жалолуддин Маҳмуд ибн Абу Бакр Гўрмирий томонидан ёзилган форсий тилда битилган шарҳ бўлиб, унинг нусхалари Ўрта Осиё бўйлаб кенг тарқалган.

Араб ва форс тилида битилган шарҳ ва таржималардан кейинги ўринда туркий тилдаги шарҳлар туради. “Мажмаъ ул-Мақсуд” ёки “Мухтасарул Виқоя бит-туркий” номли шарҳ ўтган асрнинг бошларида Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа томонидан амалга оширилган [8;3]. Ушбу шарҳнинг ўзбек тилидаги икки жилддан иборат китоби ўқувчилар қўлига етиб борган. Бундан ташқари, “Мухтасарул Виқоя” асарининг татар тилида битилган нусхалари ҳам бор [9;4]. Улар асосан 1889–1910-йиллар оралиғида чоп этилган. Асар таржималари устида мунтазам тадқиқот олиб борган олимлардан бири Шаҳобиддин ибн Абдулазиздир [10;5]. Юртимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида ушбу таржимани филология фанлари номзодлари Рашид Зоҳидов ва Акрам Деҳқоновлар ўзбек тилида нашр эттирган [11;7].

“Мухтасарул Виқоя” асарига ёзилган шарҳлардан кейинги ўринда унга битилган ҳошиялар туради. Шундай ҳошиялардан бири XV асрда Шамсуддин Аҳмад ибн Ҳамза ибн Масъуд қаламига мансуб катта ҳажмли ҳошиядир. Кейинчалик Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Кирмоний бу асар матнини турк тилида назмга солган. Амир Темур даврининг машҳур фақиҳи Саъдуддин Умар Тафтазонийнинг шайхулислом дея танилган Масъуд номли ўғли ҳам “Муҳший ала шарҳи Виқоя” номи ҳошиясини битган. “Мухтасарул Виқоя”асари ёзилгандан бошлаб ҳозирги кунимизгача мадрасалар таълим тизимида ҳозиргача ўқитилиб келинмоқда. Юртимиз ва жаҳон Шарқ қўлёзма фондларида асарнинг турли асрларда кўчирилган ва чоп этилган нусхалари ҳақида атрофлича тадқиқот олиб бориш ва нашр эттириш халқимизнинг маънавий меросини бойишига хизмат қилади.

ҲОРАЗМ ВОҲАСИ МАДАНИЯТИДА

1. Абу Райҳон Беруний номли Шарқ қўлёзмалари маркази: Босма: 7204. "Мухтасар ал-Викоя" таржимаси. «Мажмаъ ал-Мақсуд». Ўзбекча.

2. Ибн Қутлубуга. – Б. 40; Лакнавий. – Б. 109-112; Брокельманн, GAL, I-468-469, II-277-278; Зириклий. IV-354.

3. Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа. "Мажмаул-Мақсуд". 1-жилд. – Т.: Адолат, 1996. – 639 б; 2-жилд. – Т.: Мовароуннахр, 2005. – 647 б.

4. Мухтасар ал-Викоя таржимаси. Мутаржим: домла Муҳаммад Солиҳий. – Қозон: Ака-ука Каримовлар, 1902. – 310 б., Мухтасар ал-Викоя таржимаси. – Қозон: И.Н.Харитонов, 1905. – 260 б.

5. Мухтасар ал-Викоя таржимаси. Мутаржим: Шаҳобиддин ибн мулла Абдулазиз. – Қозон: Б. Л. Домбровский, 1896. – 357 б., (нусха кейинчалик, 1901 йил Каримовлар матбаасида ҳам босилган. – 352 б.).

6. Насруллаев Н. Фикҳи Кайдоний. Каталог. – Тошкент: Elmundo, 2010.

7. Рашид Зоҳид, Акрам Дехқон. "Мухтасар". – Т.: Чўпон, 1994. – 336 б.

8. Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси. Шарҳи Мухтасар ал-Викоя. №30. – Варақ. 326. (Қўлёзма 1187/1773 йилда наставлиқ хатида Шарқ қозғизига кўчирилган). Бундан ташқари фонда асарнинг форс тилидаги №88/I; 32/II нусхалари ҳам сақланиб келинмоқда.

9. Хайридин аз-Зириклий. Ж.И. – Байрут: Доруа-у-мил-нафия, 1998. – Б. 197-198; Ибн Қутлубуга. – Б. 71; Лакнавий. – Б. 25, 109-112, 207; Брокельманн, GAL, I-468, II-253, 277.

10. Ҳожи Халифа. "Кашфу-з-зунун". Ж.И. – Байрут, 1941.

11. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Кифоя (Шарҳи Мухтасари Викоя). 1-Ж. – Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2008. – Б. 60-63.

Неъматулла НАСРУЛЛАЕВ,

тарих фанлари номзоди.



**ТАРИХИЙ АНЪАНАЛАР УЙҒУНЛИГИ
МУАММОСИ (ҚАДИМГИ ДАВР ВА ИЛК
ЎРТА АСРЛАР)**

**ВЗАИМОСВЯЗЬ ТРАДИЦИИ И
ИННОВАЦИИ ДУХОВНОЙ КУЛЬТУРЫ
ХОРЕЗМСКОГО ОАЗИСА (ДРЕВНОСТЬ И
РАННЕЕ СРЕДНЕВЕКОВЬЕ)**

**CORRELATION OF TRADITIONS AND
INNOVATIONS OF THE SPIRITUAL
CULTURE OF KHOREZM OASIS (THE
ANTIQUITY AND EARLY MIDDLE AGES)**

Таянч иборалар: маънавий ҳаёт, маданият, анъана, тасвир, терракота, ҳайкал, ёдгорлик, дин, ибодатхона.

Ключевые слова: духовная жизнь, культура, традиция, изображение, терракота, скульптура, памятник, религия, храм.

Key words: the spiritual life, culture, tradition, scene, terra cotta, sculpture, monument, religion, temple.

Хоразм қадимги ва илк ўрта асрлар маънавий маданиятида тарихий анъаналар ўзаро таъсири ва уйғунлиги билан алоҳида кўзга ташланиб туради.

Милоддан аввалги VII – VI асрларда Хоразм воҳасида ва Шарқий Оролбўйидаги Қуйи Сирдарё ҳудудларида чорвадор саклар қабилалари яшаган ва уларнинг маданияти қадимги мозор қўргонларида топилган археологик ашёлар асосида ўрганилган [1].

Қуйи Амударёнинг сўл соҳилларига Шарқий Оролбўйи ҳудудларидан сакларнинг кўчиб келиши натижасида, воҳада янги маданий анъаналар тарқалиб, бу дафн маросимларида ва тасвирий санъатда ўз аксини топган. Саклар жасадларини чуқур қабрларга қўмишган ёки марҳумларни улар ярим ертўлаларга ўхшаш, усти ва ён томонлари чайласимон қабрларда ҳамда ер устида барпо этилган кулба марказида қуйдирганлар [2]. Сарикамишбўйидаги мозор қўргонлари қабрларидан бирида ўчоқ топилган [3]. Дафн иншоотларининг кўчманчи чорвадорларнинг уй-жойларига ўхшаш ва қабрда ўчоқнинг мавжудлиги марҳумларнинг нариги дунёдаги ҳаётига тайёрлаб жўнатиш қадимги одатлар билан боғланган. Бу та-



ISSN 2181-7308